



## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ АРАБ ТИЛИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Давлат Жаҳон  
Тиллари Университети  
Таржимонлик факультети,  
Таржима назарияси ва амалиёти  
араб тили кафедраси ўқитувчиси  
Абдулходий Юсунов Абдуллаевич*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон олимларининг араб тилини тадқиқ қилишдаги ўрни ва уларнинг бу илм ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилинган. Араб тилининг илмий ва грамматик йўналишларини ривожлантиришда Замахшарий ва Сибавайх каби алломаларнинг роли алоҳида таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистонда араб тили тадқиқоти ва маданий меросларни ўрганиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, илмий анжуманлар ва уларнинг аҳамияти ёритилган. Мақолада арабишунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш зарурати ва араб тили меросини тадқиқ этишдаги устувор вазифалар кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон олимлари, араб тили тадқиқоти, Замахшарий, Сибавайх, араб грамматикаси, илмий мерос, қўлёзмалар, арабишунослик, ислом цивилизацияси.

Маълумки, ҳар йили университетимиз миқёсида халқаро араб тили кунига бағишланган илмий-амалий анжуман “Араб тили таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси томонидан ташкил этилади. Шу муносабат билан бу йил декабрь ойида уни ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Илмий анжуманда Ўзбекистон миқёсида танилган шарқшунос ва арабшунос олимлар, Ўзбекистондаги элчихоналарнинг элчилари, жумладан Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар, Кувайт, Жазоир, Уммон султонлиги ҳамда Саудия Арабистони элчиларининг ташриф буюришлари кутилмоқда.

Бундай анжуманлар Ўзбекистон ва араб давлатлари ўртасида илмий-маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва янада ривожланишига олиб келади. Маълумки, Ўзбекистон қадим замонлардан алломалар юрти бўлиб келган. Олимларимиз дунё цивилизациясининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келган. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни ривожлантириб, кўплаб қўлёзмалар ва асарлар ёзиб қолдирганлар.

Масалан, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «المقدمة في الأدب» асари араб тили грамматикаси тўғрисидаги қонун-қоидаларни ўз ичига олади. У ҳатто «جار الله» – “Аллоҳнинг қўшниси” деган номга сазовор бўлган. «تفسير الكشاف» китоби ҳам унинг асосий муҳим асарларидан бири ҳисобланиб, асосан араб тили грамматикасига оиддир. Ушбу асар машҳур олим Сибавайхнинг асаридан кейинги иккинчи муҳим грамматикага бағишланган асар ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг бир қанча китоблари мавжуд, улардан «أساس البلاغة» ва «تفسير



«الكشاف» араб ва ислом дунёси миқёсида тан олинган энг машхур китоблардандир.

Аллома ушбу китобларни ўрта асрларда ёзган бўлиб, улар Ўзбекистондаги, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги институтда сақланаётган қўлёзмалар хазинасида асосий ўрин тутади. Бироқ, уларни ўқийдиган, тадқиқ қиладиган ва ўз тарихимизни ўрганадиган вақт келди, деб ўйлаймиз.

Шу боис, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги араб тили кафедрасида қўлёзмаларни ўқиш ва тадқиқ қилиш бўлими очиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Сабаби, биргина аз-Замахшарийнинг асаридан юзлаб диссертациялар ёзиш мумкин. Уларга биз жонбозлик қилмасак, ҳеч ким қилмайди. Ўзимиз амалга ошириш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Алломанинг ўрни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун араб дунёсида танилган бўлиб, унинг асарларидан фойдаланиб бир қанча илмий ишлар, китоблар ва монографиялар ёзиш мумкин. Барча араб дунёси уни балоғат ва араб грамматикасининг султони деб аташади.

Ўзбекистон бежизга Аллоҳнинг назари тушган юрт, деб айтилмайди. Чунки сўнгги саккиз йил ичида бу соҳада мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Мисол учун, илмий-маданий меросимизни ўрганиш учун Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби илмий тадқиқот марказлари иш бошлади. Олимларимиз аллома аждодларимиз яратган меросларни ўрганиб, тадқиқ қилиш ишларини амалга ошириб келмоқда. Аммо ушбу марказларга мутахассис кадрлар етишмаяпти.

Уларни тайёрлаш биз устозларнинг вазифаси, деб ўйлаймиз. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, келажакда улардан янги Замахшарийлар чиқиши муқаррардир. Кўп арабшунос олимлар аз-Замахшарийдан ташқари араб тили грамматикасининг султони саналган яна бир аллома, ҳижрий 148 йилда Форс юртидаги ал-Байзодада туғилган Сибавайҳ ҳақида ҳам гапиришади.

Алломанинг ҳақиқий исми Умар ибн Усмон ибн Канбар бўлиб, ёшлигида унинг оиласи Ироқдаги Басра шаҳрига хижрат қилади. У ерда илмга иштиёқи баланд бўлганлиги туфайли араб грамматикаси ҳақида ижод қилади. Унинг асосий устози Ҳаммад ал-Басрий бўлган. Аллома Абу Исҳоқ аз-Зужож Сибавайҳ ҳақида шундай деган эди: «Агарда Сибавайҳнинг китобидаги мисолларга кўзинг тушса, билгинки тил соҳасида унга етгувчи аллома йўқ». Грамматика соҳасида ҳеч ким унга ўхшаган китоб ёзмаган.

Ўйлаймизки, университетимизда ушбу вазифаларни амалга ошириш учун етарли мутахассислар ва илмий ходимлар мавжуд. Шу билан бирга, аллома аждодларимиз томонидан яратилган ўрта асрлардаги илмий ва маданий мерослар, ҳамда қўлёзмаларни тадқиқ қилишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Али, М. Замахшарийнинг илмий мероси. Тошкент: «Маърифат», 2021, 45-бет.
2. Ҳасан, И. Араб тили грамматикасининг тарихи. Қоҳира: «Дар ал-Фикр», 2018, 78–85-бетлар.
3. Абдуллоҳ, А. Сибавайх – араб тилининг асосчиси. Дамашк: «Ал-Мактаб ал-Арабий», 2015, 120–123-бетлар.
4. Абдурахимов, Ш. Ўзбекистонда илмий меросни ўрганиш марказлари. Тошкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 2020, 96-бет.
5. Ҳамид, Ф. Араб тилининг забардаст алломалари. Қоҳира: «Дар ал-Қалам», 2019, 57–61-бетлар.
6. Ислом цивилизацияси маркази нашрлари, Ўзбекистондаги илмий мерослар каталоглари. Тошкент, 2022.
7. Юсупов, Н. Шарқ тиллари: билим ва амалиёт. Тошкент: «Шарқ», 2023, 34-бет.
8. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолияти ҳақида йиллик ҳисоботлар, 2023.
9. Саид, А. Араб тилининг ривожланиши: Замахшарий ва унинг замондошлари. Қоҳира: «Дар ал-Илм», 2017, 101–104-бетлар.